ИНСТИТУТ ОЛИМЛАРИ ИЛМИЙ ИЗЛАНИШДА 2-бет

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ 3-4-5-бетлар

ЗИЙРАК БОБОНИНГ КЎНГИЛ ДАФТАРИ 6-бет

ҲАФТАНГИЗ ХАЙРЛИ КЕЛСИН 7-бет

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 243 (10.046) / 2003 ЙИЛ 19 ДЕКАБРЬ

## ТУРКИЯ БОШ ВАЗИРИ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

**Хабар қилинганидек, Туркия Республикаси Бош вазири Режеп Эрдоган 18 декабрь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди. Тошкент аэропортида юқори мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев кутиб олди.**

20 декабргача давом этадиган ташриф асносида Туркия Бош вазирининг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан учрашуви, икки мамлакатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилляпти.

(ЎзА)

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

● **РЕСПУБЛИКА** «Маънавият ва маърифат» марказида Республика хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда уюштирилган очиқ мулоқот «Маънавият ва маърифат, ахлоқ-одоб» деб номланди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат тиббиёт институтида «Неврологиянинг долзарб муаммолари» мавзуида ташкил этилган анжуманда невролог шифокорлар иштирок этишди.

● **ШАҲРИМИЗДА** олимлар иштирокида академик Азим Ҳожиев фаолиятига бағишлаб ўтказилган тадбир Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги олдидан уюштирилди.

● **«АЁЛ** ҳуқуқлари ва бурчлари» мавзуидаги анжуман Ҳамза туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан 5-Бизнес мактабида уюштирилди.

● **БУГУН** 206-мактабда ташкиллаштирилган «Иқбол» қизлар кўрик-танловида шаҳримиздаги 204, 206-мактаблар ўқувчилари беллашишди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

***2003 йил 15-16 декабрь кунлари Варшавада Ўзбекистон-Польша савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг учинчи йиғилиши бўлиб ўтди. Анжуманда мамлакатимиз ҳайъатига Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Мираброр Усмонов бошчилик қилди.***

## ЎЗБЕКИСТОН-ПОЛЬША: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Польша Ўзбекистоннинг Марказий ва Шарқий Европадаги муҳим савдо шерикларидан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда Польша ва Европа Иттифоқининг интеграциялашув жараёни сезиларли жадаллашди. Ҳукуматлараро алоқаларни мустаҳкамлаш эса сўзсиз ҳар икки томонга ҳам фойда келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Мираброр Усмонов ва Польша Республикаси Бош вазири ўринбосари Ежи Хауснер учрашуви чоғида икки томонлама савдо - иқтисодий муносабатларнинг истиқболдаги режалари муҳокама қилинди.

Комиссиянинг биринчи иш кунида Ўзбекистон-Польша бизнес-семинари ташкил этилди. Польша Республикаси иқтисодиёт, меҳнат ва ижтимоий сиёсат вазирининг биринчи ўринбосари Яцек Пехота уни очар экан, Ўзбекистон сезиларли иқтисодий муваффақиятларга эришган ва жадал ривожланаётган давлатлигини эътироф этди. У Польша ишбилармон доиралари вакилларини фаолликка чорлади ва семинар ўзаро манфаатли ҳамкорликка янги куч бағишлашига ишонч билдирди.

Ўзбекистон ҳайъати раҳбари Мираброр Усмонов ўз сўзида мазкур семинарнинг ўтказилиши икки мамлакат молиявий ва тадбиркорлик доиралари ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланиши ва кенгайишидан томонларнинг ўзаро манфаатдорлигини исботлаб турибди, деди.

Мунозаралар чоғида семинар иштирокчилари мамлакатларимиз ўртасидаги савдо ва сармоявий алоқаларни муваффақиятли ривожлантириш учун ишбилармонлар ўртасида доимий мулоқот ўрнатилиши зарурлигини такрор-такрор таъкидлаб ўтдилар. Шунингдек, ўзаро савдо-сотиқ ҳажмини оширишда имкониятлардан етарлича фойдаланилмаётганлигига ҳам эътибор қаратилди.

Ўзбекистон-Польша савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссияси йиғилишида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, Польша сармояларини жалб этиш истиқболлари ва Ўзбекистон-Польша қўшма корхоналарини тузиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Комиссия йиғилиши кунлари Варшавада Ўзбекистон Республикаси бош консуллигининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда ҳукуматлараро комиссия аъзолари ҳам иштирок этишди. Маросимда сўзга чиққанлар Польшада Ўзбекистон дипломатик ваколатхонасининг очилиши икки мамлакат ўртасидаги дўстона ва яқин ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилишини якдил эътироф этдилар.

**Ғайрат ШУКУРОВ, «Жаҳон» АА махсус мухбири, Варшава**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Бюджет, банк ва молия масалалари, Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмиталарининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.**

● **Урганч шаҳрига «Саломатлик поезди» кириб келди. Умумий қиймати 29 миллион сўмдан иборат дори-дармонлар, кийим-кечак, пойабзал, болалар аравачалари ва бошқа халқ истеъмоли молларидан иборат ушбу хайрия ёрдамини уюштиришда 1 ноябрь куни «Оролбўйи оналари ва болаларига» шиори остида ўтказилган умумреспублика экологик шанбалигидан тушган маблағлардан фойдаланилди.**

● **Қишки таътил кунлари арафасида Тошкентдаги 6 та меҳрибонлик уйи, 66-мактаб-интернат ва «Санквит» ногирон болалар учун илмий-тадқиқот бадиий маркази тарбияланувчилари ажойиб совғали бўлди. «Сен ёлғиз эмассан» республика болалар ижтимоий жамғармаси «Туркистон» саройида улар учун Россиянинг «Блестяшие» гуруҳи хайрия концертини ташкил этди.**

● **Миср Араб Республикаси элчихонасининг Тошкентдаги фан ва таълим марказида кутубхона очилди.**

● **«СамКочАвто» қўшма корхонасида «Форд» маркали юк машиналарини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.**

● **Фарғона ва Қувасой шаҳарларини боғловчи катта йўл бўйида миллий меъморчилик ва замонавий архитектура ютуқлари уйғунлашган Бибихоним гузари қад ростлади.**

### Жаҳонда

● **Италияда иқлим ўзгариши масалаларига бағишланган халқаро конференция якунланди. Иштирокчиларнинг таъкидлашича, Ер шари иқлими тезлик билан ўзгариб бормокда.**

● **НАТОнинг бош котиби Жорж Робертсон тўрт йиллик ваколати тугаганлиги муносабати билан истеъфога чикди.**

● **БМТнинг ядровий иншоотларни зудлик билан текшириш хусусидаги амалиётига Эрон ўз розилигини билдирди.**

● **Жанубий Кореянинг пойтахти Сеулдан 260 километр узоқликда жойлашган йирик завод биносида ёнғин содир бўлди. Дастлабки маълумотларга қараганда унинг оқибатида 12 нафар киши ҳалок бўлган, ўнлаб кишилар бедарак йўқолган.**

● **Афғонистонда террорчилар рўйхатида биринчи ўринни эгаллаб турган «Ал-Қоида» экстремистик гуруҳининг бошлиғи Усама бин Лодинни қўлга олиш операциялари бошлаб юборилди. Сўнгги маълумотларга кўра, бин Лодин ва унинг яқинлари Покистон ҳамда Афғонистоннинг ўтиб бўлмас тоғли ҳудудларига яширинишган.**

## УЧ БУЮК ҚАДРИЯТ

**Республика «Маънавият ва маърифат» марказида «Уч буюк қадрият: маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда олий ўқув юртлари раҳбарлари, ёшлар, хотин-қизлар ва маҳаллалар фаоллари, уламолар қатнашди.**

Унда Президентимиз Ислом Каримов томонидан 2004 йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиниши мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини ҳаётимизда янада мустаҳкам қарор топтириш борасида қўйилган муҳим қадам бўлгани таъкидланди. Бу аҳоли, айниқса, ёшлар қалбида эзгу туйғуларни камол топтириш, юксак инсоний фазилатларни халқимиз ҳаёт тарзининг узвий ва ажралмас қисмига айлантиришда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Ёшлар қалби ва онгига миллий истиқлол ғояларини сингдириш, шарқона одоб-ахлоқ ва анъаналарни қарор топтириш, уларни турли экстремистик оқимлар таъсиридан ҳимоя қилишга қаратилган ишларни янада кучайтириш лозимлиги қайд этилди. Бунда жойлардаги хотин-қизлар, ёшлар ва маҳаллалар фаолларининг, оммавий ахборот воситаларининг ўрни катта эканига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова сўзга чикди.

**ЎзА**

*Обуна — 2004*

## «ОҚШОМ» БИЛАН БИРГА БЎЛИНГ!



Қадрли газетхонлар! Айни кунларда сиз ҳамиша севиб мутолаа қиладиган «Тошкент оқшоми» газетасига 2004 йил учун қизғин обуна давом этмоқда. Бинобарин, у сизга ҳар доим энг яқин суҳбатдош, дўст, ҳамкор ва ҳамроҳ бўлиб келган. Буни шу кунларда таҳририятга келаётган дил номаларидан ҳам билиш мумкин. Газетага бўлган юксак меҳрингиз, садоқатингиз учун сизларга катта ташаккуримизни билдирган ҳолда шу кунларда пойтахтимизнинг барча алоқа бўлимларида газетага обуна расмийлаштирилаётганини яна бир карра эслатиб ўтишни лозим деб топдик.

«Тошкент оқшоми» келгуси йилда ҳам мамлакатимизда, унинг азим пойтахтида ва жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, янгиликларни тезкорлик билан ёритади, сиз севиб ўқийдиган ранг-баранг мавзудаги мақолалар газета саҳифаларидан мунтазам ўрин олади, деб ишонтирамиз. Шундай экан, вақтни ғанимат билиб севимли нашрингизга обуна бўлишга шошилинг. Шундагина сизнинг нурли хонадонингизга 2004 йилнинг дастлабки кунидан бошлаб «Оқшом»нинг ўзи ташриф буюради.

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиш доно бўлур...

● Золимда уч аломат бор: қўл остидагиларни ранжитади, уларни ҳурматламайди, ўзгалар ҳақини ноҳақ ейишдан қўрқмайди.

● Ҳасадчида уч аломат бор: сенинг ҳузурингда хушомадгўйлик қилади, йўқлигингда ғийбатингни қилади, агар бирор кишига мусибат ё бир ғам етса шодланади.

● Бадбахтда уч аломат бор: ҳаром луқма ейди, уламолар суҳбатидан қочади, ҳушига келганида ибодат қилади.

● Манманлик — қусур, камтарлик — ҳусн.

● Айтар сўзни айт, айтмас сўздан қайт.

ҲИКОЯТ. Искандар Зулқарнайн ўзига яқин кишилардан бирига кўнглига яшириб юрган бир сирини айтиб, уни сақлашни, ошкор қилмасликни қайта-қайта таъкидлаган эди. Лекин у Искандарнинг шартини узоқ сақлай олмай, ичи пишиб бир дўстига айтди. Дўсти бир кишига, у яна бир кишига айтди. Шундай қилиб сир ҳаммага ошкор бўлди.

Сирни ошкор бўлганидан ортиқ даражада ғазабланган Искандар устози Арастуга:

— Э, ҳаким, кишининг сирини фош қилганга қандай жазо бериш керак? Мен фалон кишига сиримни айтган эдим, у киши сиримни сақлай олмай ошкор қилган. Мен энди унга жазо бермоқчиман, сиз бунга нима дейсиз? — дейди.

Арасту ҳаким айтди:

— У кишига жазо беришга ҳаққинг йўқ. Ўзинг айбдорсан, сирингни ўзинг сақлай олмай, юрагинг тошиб кетиб, бировга ошкор қилгансан. Ўзинг сақлай олмаган сирни бошқа киши қандай сақлай олсин, — деди.

**Байт:**

**Чун ўзинг сирингга**
**маҳрам бўлмадинг,**
**Ўзгалар гар асрамас**
**йўқ бир ажаб.**

● Дунёда ҳалол одамдан буюкроқ зот йўқ.

● Ҳалоллик ҳар қандай мартабани безайди.

● Ҳалол яшаганингни сезиб юрсанг, хаёт нашъали ва ширин туюлади.

● Бир умрга бахтли бўлишни истасанг ҳалол одам бўл.

● Ўзини тия билган ҳалол одам олғир, учарларнинг бутун найрангларини яққол кўриб туради.

**Байт:**

**Сахий дема**
**саховатига,**
**Бирор талаб қўйса**
**гар одам.**
**Сахийликмас бу**
**очкўз бахиллик,**
**Бунда йўқдур шараф**
**ва карам.**

*Ўзбекистон Фанлар академиясининг 60 йиллиги олдидан*

# ИСТИҚБОЛЛИ ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

**Шу кунларда Ўзбекистон илмий жамоатчилиги Фанлар академиясининг 60 йиллик юбилейини нишонлаш арафасида турибди. Академиянинг барча минтақавий бўлимлари ва илмий текшириш муассасалари ушбу санани ўзларининг меҳнатдаги муносиб ютуқлари билан кутиб олмоқда.**

Шу жумладан Фанлар академияси тизимидаги Ҳабиб Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти ҳам юртимиз илм-фанини ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган илмий муассасалар қаторига киради. Чунончи, 1937 йилда ўз фаолиятини бошлаган мазкур институт Ўзбекистондаги кекса илмий муассасалардан биридир. Унинг тегишли бўлимлари асосида ўз вақтида мустақил илмий-текшириш институтлари барпо этилган. Улар — 1959 йилда ташкил этилган Нефть ва газ конлари геологияси ва уларни қидириш институти, 1960 йилда ташкил топган Гидрогеология ва муҳандислик геологияси институти ва 1966 йилда Тошкент зилзиласидан сўнг барпо этилган Сейсмология институтларидир.

Ҳозирги пайтда Геология ва геофизика институти кучли илмий салоҳиятга — юқори малакали ва кўп йиллик тажрибага эга бўлган олимлар ва замонавий илмий-текшириш асбоб-ускуналари мажмуасига эга. Ҳозирда институтда 141 ходим, шу жумладан 2 нафар Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, 14 та фан доктори ва 42 та фан номзоди фаолият кўрсатмоқда.

Институтнинг бош илмий йўналиши икки, бирбирига узвий боғланган муаммога қаратилган бўлиб, улар: ер қобиғи ва чуқурроқ жойлашган юқори мантия қатламларининг таркиби, тузилиши ва ривожланишини геологик-геофизик усуллар мажмуасини қўллаб тадқиқ қилиш ва Ўзбекистон минерал-хом ашё ресурсларини кўпайтириш ва фойдали қазилма конларини самарали ўзлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Мазкур муаммоларни ечиш бўйича илмий изланишлар институтнинг 11 та лабораториясида олиб борилмоқда. Бу лабораторияларда геология ва геофизиканинг долзарб йўналишларига бағишланган 23 та фундаментал ва амалий мавзулар устида изланишлар олиб борилмоқда. Бундан ташқари институтда ёрдамчи илмий бўлинмалар — кутубхона ва геологик ҳисоботлар фонди, интеллектуал ва ахборот гуруҳи, шунингдек, бой, ноёб экспонатларга эга бўлган минералогия музейи ва академик Ҳабиб Абдуллаевнинг мемориал музейи мавжуд.

Институт ўзининг 65 йиллик ортиқ илмий фаолияти натижасида геологиянинг фундаментал асосларини ривожлантиришга ва республиканинг минерал — хом ашё базасини яратишга муносиб ҳиссасини қўшди. Мурунтов, Кўкпатас, Чармитон олтин конлари, Шовозсой литий конининг очилишида институт ходимларининг бевосита хизматлари бор, шунингдек улар Ўзбекистоннинг деярли барча маъдан ва номаъдан конларини ўрганиш ва ўзлаштиришда ҳам ўзига хос ўрин тутганлар.

Мустақиллик йилларида институт ходимларининг фаолияти янада самарали бўлиб, Ўзбекистон ҳудудида биринчи марта учта маъдан магматик концентрлар ажратилди; ер қобиғида «тўлқин ўтказгич»лар ва уларнинг табиати аниқланди; статистик металлогениянинг назарий-услубий асослари ишлаб чиқилди; 14 янги кимёвий бирикмалар — минераллар кашф қилинди; биринчи марта масс — спектрометрия усули билан осмий — 187 изотопини аниқлаш услуби яратилди; техноген конларни қайта ишлаш технологияси ишлаб чиқилди ва Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатига жорий қилинди; юқори сифатли бентонитнинг янги кони очилди. («Монолит 98» илмий-ишлаб чиқариш муассасаси билан бирга). Ҳамда шу даврда 9 та монография, 10 та рисола ва 764 та мақолалар чоп этилди. Улардан 2 та монография ва 285 та мақолалар чет элларда нашр қилинди. Институт қошида Минерал ресурслар институти билан ҳамкорликда «Геология ва минерал ресурслар» даврий илмий журнали мунтазам чоп этилмоқда.

Институт ходимлари йирик халқаро илмий лойиҳа ва дастурларни бажаришда ҳам фаол иштирок этиб келмоқдалар. Ҳозирги кунда улар Германия, Франция, Бельгия, Англия, АҚШ, Япония, Исроил, Россия ва бошқа давлатларнинг институт ва илмий марказлари билан ҳамкорликда геология-геофизиканинг долзарб муаммолари устида тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Институтда гляциал геологияси соҳасида ҳам Ўрта Осиё музликлари, дарёлари ва улар билан боғлиқ бўлган ҳар хил табиий жараёнлар, Орол денгизи муаммолари бўйича тадқиқотлар олиб борилади.

Институт олимларининг илмий изланишдаги меҳнатлари Ватанимиз томонидан муносиб тақдирланган. Олимлардан 4 киши «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби», 8 киши «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган геолог» фахрий унвонларига ва 1 киши Ҳабиб Абдуллаев номидаги олтин медалга биринчи бўлиб сазовор бўлган. Институтда олиб борилган йирик илмий тадқиқотлар натижалари 5 маротаба Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти билан тақдирланган.

Институт ўзининг илмий фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасининг кўпгина илмий-текшириш муассасалари ва ишлаб чиқариш ташкилотлари фаолияти билан боғлиқ ҳолда олиб бориб, улар билан хўжалик шартномалари асосидаги буюртмаларни ҳам бажариб келмоқда.

Институт ходимлари Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг бажарилишида ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Кўпгина тажрибали олимлар Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Давлат техника университети геология факультетларида бакалавр ва магистрларга геология ва геофизиканинг йўналишлари бўйича маърузалар ўқишмоқда. Амалий машғулотлар олиб бориб, диплом ишлари ва магистрлик диссертацияларига илмий раҳбарлик қилишаётир.

Фанлар академиясининг 60 йиллик юбилейи арафасида институт ходимлари. 2003 йилга мўлжалланган илмий изланишларни ниҳоясига етказиш борасида кўтаринки руҳ билан меҳнат қилишмоқда.

**Собит МАҚСУДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ҳабиб Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти директори, физика-математика фанлари доктори, профессор.**

# МУНОЗАРАЛАРГА БОЙ АНЖУМАН

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 60 йиллиги муносабати билан Темурийлар тарихи Давлат музейида «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг тарихий асарлари» рукни остида «Улуғбек илмий мероси» деб номланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

Ушбу анжуман Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Темурийлар тарихи Давлат музейи, Улуғбек номидаги Астрономия ва Шарқшунослик институти, Бадиий академия, Ўзбек Миллий академик драма театри ҳамда Маннон Уйғур номли Тошкент Давлат санъат институти томонидан ташкиллаштирилди. Анжуманда темуршунос олимлар, профессорлар ҳамда музей ходимлари сўзга чиқди.

Таъкидлаш жоиз, буюк ғазалнавис Алишер Навоий ўзининг «Хамса» асарида буюк ўзбек астрономи Мирзо Улуғбек ҳақида «Билиб у нав илми осмоний, Ки одил ёзди «Зижи Кўрагоний», — деб битган. Муҳаммад Тарағай салтанат эгаси, давлат арбоби, математик ва улуғ фалакшунос олим бўлган. У шеъриятни ҳам севган. Шу боис ўз даврининг буюк олимлари билан «Зижи Кўрагоний»ни ёзади.

Анжуманда сўзга чиққан темуршунос олимлар А.Аҳмедов, Д.Юсупова, М.Мамазоитов ва бошқалар шарқнинг буюк мутафаккири, астрономи Мирзо Улуғбекнинг дунёда машҳур математик, етук олим, катта салтанат эгаси бўлганини таъкидлаб ўтишди.

Ҳақиқатан ҳам, алломамиз шарқ маданияти, илму маърифати тараққиётига улкан ҳисса қўшган шахс. У қурдирган расадхона ўз даврида энг ноёб саналган ва ҳалигача ўз мавқеини йўқотмаган. Шунинг учун ҳам астроном, тарихшунос олимлар Улуғбекнинг илмий мероси, яратган анжомлар тарихини ўрганадилар.

Тадбирда «Мирзо Улуғбек» драмасидан саҳна кўринишини Ўзбекистон халқ артистлари Т.Азизов, Я.Абдуллаева ижро этди. Шунингдек, қизиқарли мунозаралардан сўнг «Камолиддин Беҳзод асарлари ижодкорлар қаламида», «Амир Темур ҳаётидан лавҳалар», «Шоҳрухия топилмалари», «Совғалар», «Қўли гул халқим» деб номланган кўргазмалар очилди. Жумладан, янги очилган «Камолиддин Беҳзод асарлари ижодкорлар қаламида» кўргазма экспозициясидан Зокир Ҳакимовнинг «Подшоҳ ва вазир суҳбати», «Гул орасидаги қиз», Хайриддин Муҳиддиновнинг «Амир Темур базмида», «Баҳром ва Гулором», Шорасул Шоаҳмедовнинг «Илҳом парилари», «Қиз қувар» каби асарлари жой олган.

**Юлдуз РИЗАЕВА**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Фуқароларни уларга бошқа турар жой бермасдан туриб кўчириш қай тартибда амалга оширилади?**

**Ю.Ҳакимов, муҳандис.**

Агар давлат уй-жой фонди таркибидаги муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойни ижарага олувчи, унинг оила аъзолари ёки у билан доимий яшаётган фуқаролар: 1) турар жойни бузаётган; 2) шикастлантираётган; 3) ундан ўз мақсади бўйича фойдаланаётган; 4) турмуш қоидаларини мунтазам бузиб бошқаларнинг у билан бир квартира ёки бир уйда яшаш имконини бермаётган бўлса, бунда огоҳлантиришлар ва жамоат таъсир чоралари ҳам натижа бермаган бўлса; 5) ижарага олувчи томонидан турар жой ҳақи шартномада узоқроқ муддат белгиланмаган ҳолда олти ой тўланмаган бўлса, Уй-жой кодексининг 74-моддасига биноан, ижарага берувчи ёки ўзга манфаатдор шахсларнинг талаби бўйича айбдорлар бошқа турар жой бермасдан кўчирилади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган шахслар, уларнинг ўз фарзандлари билан бирга яшаши мумкин эмас деб топилса, бошқа турар жой бермасдан кўчирилиши мумкин.

* * *

**Васий ва ҳомий тайинлаш тартиби ҳақида билмоқчи эдим.**

**Ш.Остонова, шифокор.**

Васийлик ва ҳомийлик мажбуриятларини бевосита амалга ошириш учун васийлик ва ҳомийлик органлари васий ёки ҳомий тайинлайди.

Васий ёки ҳомий этиб вояга етган ҳар икки жинсдаги фуқаролар уларнинг розилиги билангина тайинланиши мумкин.

Васийлик ёки ҳомийлик тайинлаш лозимлиги васийлик ва ҳомийлик органларига маълум бўлган вақтдан бошлаб бир ойдан кечиктирмай улар тайинланиши лозим.

Васий ёки ҳомийни тайинлаш вақтида унинг шахсий фазилатлари, тегишли мажбуриятларни бажаришга қобилияти, мазкур шахс билан васийлик ёки ҳомийликка муҳтож шахс ўртасидаги муносабатлар, шунингдек васийлик ёки ҳомийликка олинувчининг ўз хоҳиши эътиборга олиниши лозим.

* * *

**Қаймоқ — ҳорғинликни енгил қолдиради, деган гапни эшитиб қолдик. Шу гаплар қанчалик тўғри?**

**Ф.Наримонова, У.Юнусова, талабалар.**

Қадимда шоирлар қишлоқ қизларининг чиройи, соғломлигини куйлаб келишган. Қишлоқ гўзаллари учун сузма ва қаймоқ терини парвариш қилувчи ягона косметик восита ҳисобланган. Мана шу табиий маҳсулотлар терини озиқлантиради ҳамда тўқималарнинг тикланиши жараёнига кўмаклашади. Тоза сутдан олинган қаймоқ юздаги макияжни, упаларни сидириб ташловчи, терини чарчоқдан халос қилувчи воситадир.

Бир пиёла қаймоқ билан 1 чой қошиқ лимон шарбатини аралаштиринг, сўнгра пахтани ҳосил бўлган аралашмага ботириб юзингизни тозалаб артинг. Лекин бу билан кўз атрофини, макияжни артиб бўлмайди. Бунинг учун яна қаймоқнинг ўзи кифоя.

*Янги лойиҳалар*

# КЎПНИНГ КЕНГАШИГА ҚЎЙИЛДИ

**Чилонзор туман ҳокимлигида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидаги уй бошқарувчилари фаолиятини тартиблаштириш мақсадида тузиб чиқилган янги лойиҳа муҳокамаси бўйича йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда туман оқсоқоллари, кўп қаватли бинолардаги уй бошқарувчилари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари бошқаруви раислари ва туман ички ишлар бошқармасидан вакиллар иштирок этишди.**

Йиғилишда сўзга чиққан туман ҳокими Ҳусниддин Маҳкамов бугунги кунда маҳаллалар нуфузининг нақадар ошиб бораётгани, шу билан бир қаторда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига катта масъулият ҳам юклатилгани, иш унумини таъминлашда маҳаллалардаги ширкатлар бошқаруви, маҳалла фаоллари ва уй бошқарувчилари фуқаролар йиғини раиси билан ҳамжиҳатлик, якдиллик билан оқилона йўл тутиб иш олиб боришлари лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Маълумки, тумандаги маҳаллалардан турли касб эгаларидан иборат бўлган 20 кишига яқин ташаббус гуруҳи ташкил этилган эди. Ушбу гуруҳ туман маҳаллалари фаолияти билан яқиндан танишиб иш олиб борди ва натижалар сарҳисоби бўйича «Кўп қаватли уйлардаги уй бошқарувчиси фаолияти тартиби» тўғрисидаги лойиҳа ишлаб чиқилди. Тадбирга йиғилганлар лойиҳанинг моҳияти билан таништирилди. Лойиҳада кўп қаватли уйларда аҳоли билан бевосита боғланиб маҳалла оқсоқолларига ёрдам берадиган уй бошқарувчисининг мақсад ва вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлик ва масъулиятлари аниқ кўрсатилган.

Янги лойиҳа хусусида йиғилганлар ўз фикр-мулоҳазалари, таклиф ва истакларини билдиришди.

Сўзга чиққанлар хусусан, кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи аҳоли ўртасида муқим тартибни ўрнатиш учун уй бошқарувчиларига маълум маънода қонуний ҳуқуқлар берилиши ва туман ички ишлар бошқармаси аҳолини рўйхатга олиш ва чиқариш бўлими билан узвий иш олиб боришни йўлга қўйиши, уйлардаги хонадонларни сотиш ва олиш, уларнинг лойиҳасини ўзгартирмаслик каби масалаларнинг ҳал этилиши борасида ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

Йиғилишда иштирок этган туман прокурори Зокир Ибрагимов туманда 1200 дан ортиқ кўп қаватли уйлар борлиги ва таассуфки, ҳуқуқбузарлик ва жиноий ишларнинг кўпчилиги шу уйларда истиқомат қилувчи ёки вақтинча яшовчи кишилар томонидан содир этилаётганлигини қайд этди. Шу билан бирга туман прокурори кўп қаватли уйлардаги уй бошқарувчилари фаолиятини тартиблаштириш жиноий ишлар билан боғлиқ муаммоларнинг ҳал этилишида муҳим роль ўйнашини ҳам айтиб ўтди.

Лойиҳани ишлаб чиқишдан мақсад, кўп қаватли уйлардаги мавжуд муаммоларнинг ҳал этилишини йўлга қўйиш, маҳалла оқсоқоллари бошчилигида уй бошқарувчилари фаолиятини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, уларнинг вазифаларини тартибга солишдан иборатдир.

Лойиҳа йиғилганлар томонидан қўллаб-қувватланди ва унинг ҳаётга татбиқ этилиши режалаштирилди.

**Соҳиба УМАРОВА**

*ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН*

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ПИЛЛАПОЯДАГИ ЯХМАЛАК

Тунов куни ёққан қор кишиларни анча шоширив қўйди. Айниқса хонадонларимизга иссиқлик бағишловчи зарур маҳсулот — газ танқиллиги сезилиб қолди. Таҳририятимизга бу ҳақда шаҳримиз туманларида яшовчи кўпгина оилалардан мактублар келди, телефон қўнғироқлари бўлди. Хайриятки совуқ ҳарорат тез ўтиб кетиб кунлар анча илиб қолди. Қорлар эриб, кўчалар яхмалаклардан холи бўлди. Лекин шундай бўлса-да, баъзи офтоб тушмас йўлкалар, кўешга тескари уйлар, корхона ва ташкилотлар олдида ҳамон совуқ асорати — қор ва яхмалаклар сақланиб турибди. Айниқса бундай кезларда эшик олди, чиқиш пиллапоялари мармар билан қопланган жамоат корхоналари, ошхоналарга кириб-чиқиш мушкуллашади. Ешларку ўз йўлига, бироқ қариялар бу жойлардан ўтишга қийналиб атак-чечак қилиб қолишади.

Яқинда биз ҳам шундай кун тушмас ошхоналардан бирига кирмоқчи бўлдик. Ошхонага олиб тушувчи мармар пиллапоялар олдида тўпланиб турган хўрандаларни кўриб ҳайрон бўлдик. Кейин билсак уларнинг барчаси муз билан қопланган пиллапоялардан пастга тушишга қийналаётган экан. Биз бу аҳволни кўриб ўша ошхонага киришдан воз кечиб, бошқа таомхона томон кетдик. Кўпчилик хўрандалар ҳам бизга қўшилишди. Билмадик шу куни ўша ошхона ўзининг қанча мижозларидан айрилди экан.

Хизматчилар бундан тегишли хулоса чиқарган бўлсалар керак, деб эртасига яна ўша ошхонага бордик. Пиллапояларда яна кечаги аҳвол. Яхмалакларни босиб ўтиш қийин. Таажжубда қолдик. Наҳотки саккиз-ўн қатор сирпанчиқ пиллапояни қор ва музлардан тозалаб қўйиш шундай катта ошхона учун шу қадар мушкул бўлса? Наҳотки, хизматчилар элга хизмат — олий ҳиммат сўзини фақат ошхонада сифатли таом тайёрлашдан иборат деб тушунаётган бўлсалар? Ахир элга хизмат нафақат таом сифати, балки ўша ошхона ҳудудини тартибли ва озода сақлаш билан ҳам белгиланадику, ахир.

Албатта гап эгасини топади деган маънода биз ушбу ошхона манзилини аниқ кўрсатиб ўтирмадик. Қолаверса бу гапдан шунга ўхшаш бошқа ошхона хизматчилари ҳам тегишли хулоса чиқарар деб ўйладик.

## ЕГАНИ ОЛДИДА

Қодиржон бобо билан қадрдонмиз. Оилавий борди-келдимиз бор. Кўпдан бери кўришмаганимизни эслаб дам олиш куни уни йўқлаб хонадонига бордик. Эшикни бобонинг набираси Салимжон очди. Омонлаша туриб разм солсам барака топкур анча бўй чўзиб қолибди. Ҳаққига дуо қилиб бобосининг бор-йўқлигини сўрадим.

— Яқинда аммамникига кетган эдилар, кираверинг ота, уйда адам борлар.

Ҳовлида Каримжон кўринди.

— Бормисиз отахон, сизни кўрадиган кун ҳам бор эканку. Қандай шамол учирди?

— Сизларнинг шамолингиз.

Қучоқлашиб кўришдик. Каримжон бизни айвонга бошлади. Ўғли Салимжон бир зумда олдимизга чой келтирди.

— 95 дан дамладингми болам? Биласан-а отанг кўк чойни ёқтирадилар Қани ўтир, чойдан қуй. Кўрдингизми отахон, ўғилчамиз ёнимизга кириб қолди.

— Умридан барака топсин.

— Қассоблик касбини эгаллаб кам бўлмадим. Кўриб турибсиз биров кўрса ҳавас қилгудек яшаяпмиз. Энди ўғилчамизни ҳам шу соҳада ишлашга ундаяпмиз.

— Ҳали ёш, балки ўзининг бирор танлаган касби бордир?

— Эй ота, ёшларнинг истакларини биласизку. Қўлимдан келадими-келмайдими демай осмону фалакка учиб юришни ёқтиришади. Бизнинг Салимжон ҳам шулардан бири-да. Болани ўз ҳолига ташлаб қўйиб бўлмайди ота. Биронта тарбияси бузуқ тенгқурларига қўшилиб қолишидан худо сақласин, шуни ўйлаб уни ўз ёнимга олдим.

— Ўқиш-чи, ўқиши нима бўлади?

— Битта ўқиган менми? Беш йил мактабда дарс бериб нима топдим. Яхшиям эсим борида этагимни ёпганим. Бўлмаса мен ҳам юрардим поданинг кейинги оёғи бўлиб. Бола ёшликдан пул топишга ўрганса нимаси ёмон. Ўғилчамиз ҳам олдинига анча тайсалланиб турди. Кейин қўлига уч-тўрт сўм тушувдики мендан олдин бориб дўконни очадиган бўлди. Ҳозир қўлидан анча-мунча иш келиб қолди. Энди савдо-сотиқдаги баъзи «нозик» масалаларни ўргатиб қўйсам егани олдида, емагани кетида-да.

Каримжоннинг бу сўзидан энсам қотди. Уни гап билан узиб олгим келдию, меҳмонлигим хурмати индамадим. Олдимдаги пиёлада турган чойни бир хўплаб ўрнимдан турдим.

— Ҳа, отахон бирдан кўзғалиб қолдингиз?

— Борақолай, отангни кўрган кейин келарман. Лекин бир гапни айтиб кетмасам бўлмайди.

— Нима экан, айтинг отахон?

— Ҳаркалай болани мактабдан қолдириб яхши иш қилмабсан. Қолаверса уни ёшлигидан пулга ўргатиш яхши эмас. Ёш болага билиб-билмай етказилаётган бу маънавий зарарни кейин қоплаб бўлмайди. Бу ҳақда бир ўйлаб кўрсанг бўларди.

## ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ХАВФЛИ ЗОНА

Яшил чироқ нима учун хизмат қилади? Тўғри топдингиз. Машина ва йўловчилар қатновини тартибга солиб туриш учун. Айниқса катта йўл чорраҳасида ўрнатилган яшил чироқнинг беминнат хизматини ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайди. Борди-ю ўша жойда у бир кун порламай қолсачи? Ана унда кўринг бебошликни. Шундай кезларда ҳайдовчию йўловчиларга: «Азизлар, эҳтиёт бўлинг, олдингизда хавфли зона» деб огоҳлантириш керакдек бўлиб қолади. Ахир шошма-шошар ҳайдовчилар камми орамизда?

Амир Темур кўчасининг Шаҳристон бекати ҳамиша гавжум. Бу ердан ўтадиган транспортларнинг ҳам, йўловчиларнинг ҳам сон-саноғи йўқ. Бир томони метро, бир томони автобус, трамвайларнинг тўхташ жойи. Тўрт томонлама йўлда кеча-кундуз ҳаракат тўхтамайди. Лекин сўнгги вақтларда бу ердаги яшил чироқ тез-тез ишламайдиган одат чиқарди. Шундай кезларда йўловчилар ҳам, транспорт ҳаракати ҳам ўта қийинлашади. Қоидабузар ҳайдовчиларнинг куни туғади. Улар дуч келган томонга йўлни солиб кетаверишади. Яқинда Аҳмад Дониш кўчасининг 17-шаҳар касалхонаси яқинидаги чорраҳада ҳам ана шундай ҳолат рўй берди. Қаторасига уч кун яшил чироқ ишламай қолди. Бу муддат ичида қанча транспорт тўқнашувлари ва йўл қоидалари рўй бермади дейсиз. Ҳайдовчилар норози, йўловчилар норози. Ахир шундай тўрт томонлама йўл ўтган катта чорраҳада уч кунлаб яшил чироқ ёнмай қолишини қандай баҳолаш мумкин? Ўйлаймизки, бу ҳақда мутасадди ташкилотлар тегишли хулосалар чиқаришади.

*Биласизми?*

## ЧЎНТАК ТЕЛЕВИЗОРИ

«Касио» фирмаси (Япония) энг митти ва энг енгил «Си-Ви-1» деб номланган телевизор ятратди. У рангли тасвирда кўрсатади. Ҳозирда бу чўнтак телевизорлар сотувга чиқарилган. «Си-Ви-1» экранининг диоганали 3,57 сантиметрни ташкил этади. Телевизорнинг баландлиги 9,1, эни 6, қалинлиги эса 2,4 сантиметр бўлиб, оғирлиги атиги 170 грамм холос.

Сигарет қутисидек келадиган бу телевизорни чўнтакка солиб юриш ва хоҳлаган жойда, хоҳлаган дастур кўрсатувларини бемалол томоша қилиш мумкин. У батареяда ҳам, машина аккумляторида ҳам, ҳатто 220 вольтли токда ҳам ишлайверади.

## БИЛАР-БИЛМАС ДАВОЛАШ ОҚИБАТИ

Испаниянинг Сарагосса шаҳрида яшовчи Карлила Алансо тўққиз ёшли қизи Лауренсиянинг ранги пастлиги ҳамда бўйининг яхши ўсмаётганидан нолиб юрарди. Қўшнисининг маслаҳати билан қизига ҳар куни уч маҳалдан — эрталаб, тушки овқатдан олдин ва кечқурун микройод дорисини ичира бошлади. Орадан 4 ой ўтгач, Лауренсиянинг бўйи ўса бошлади, 8 ойдан кейин «бечоранинг» баландлиги 195 сантиметрга етса бўладими! Шундан сўнг она дорини бермай қўйди ва бўйини тўхтатиш учун шифокорларга мурожаат этди. Мутахассисларнинг фикрича, Лауренсиянинг бўйининг ўсиши 18 ёшга тўлгандагина тўхташи мумкин. Бунгача қизнинг бўйи қанчага етишини тасаввур қилиб кўринг-а!

## ЭРКАКЛАР, ҚАҲВА ИЧМАНГ!

Берлин соғлиқни сақлаш вазирлигининг тасдиқлашича, қаҳвани кўп истеъмол қилган киши инфаркт касалига дучор бўларкан. Ҳатто бир пиёла қаҳва 18-20 ёшли йигитлар қонидаги холестерин моддасини ошириб юборади. Кейинги вақтда немис халқи қаҳвани ниҳоят даражада кўп истеъмол қилмоқда, ҳатто пиводан олдин ҳам бир оз қаҳва ичиб олишади. Статистик маълумотларга кўра, улар бир йилда 198 литр қаҳва ичишса, 140 литр пиво истеъмол қилишаркан. Шунинг учун бўлса керак бу ерда юрак-томир касаллиги борган сари кўпайиб бормоқда.

## ДУНЁДАГИ ЭНГ УЗУН НОМЛАРДАН БИРИ

Дунёда шундай номлар борки, уларни ўқиш ва айтишга киши қийналади. Ўзининг ажойиб асарлари билан санъат ихлосмандларини қойил қолдирган машҳур рассом Пабло Пикассонинг номини кўпчилик эслаб қололмаган бўлса керак. Бу мўйқалам устасининг асл номи дунёда энг узун исм бўлса ажаб эмас. Унинг номи қуйидагича: Пабло Диего Хосе Франциско де Паула Хуан Непомукино Кристин Криспиано де ла Сантеинма Трипидад Рунс и Пикассо.

*Санъат*

# ОПЕРАНИНГ ЕТУК РЕЖИССЁРИ

**Алишер Навоий номидаги давлат академик Катта театрида Ўзбекистон ва Озарбайжон халқ артисти, Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати, профессор, режиссёр, Фирудин Сафаров таваллудининг 70 йиллигига бағишланган «Бутун умр санъатда» деб номланган кеча бўлиб ўтди.**

Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Артмадад» махсус жамғармаси ҳамда Алишер Навоий номидаги давлат академик Катта театри томонидан ташкил этилди.

Фирудин Сафаровни ҳозирги замон операсининг етук режиссёри сифатида танимиз. Шунингдек, Ф.Сафаров таниқли мусиқачи ҳамдир. Ф.Сафаров томонидан саҳналаштирилган опера спектакллари репертуарлари жуда кенг қамровли ва ранг-барангдир. Унинг саъй-ҳаракатлари ўлароқ 50 дан ортиқ опера спектакллари намойиш этилган. Ф.Сафаров томонидан қўйилган «Пётр I», «Фауст», «Бўрон» каби спектакллари 80-йилларда Германиянинг учта шаҳарида намойиш этилган бўлиб, режиссёр ҳаётидаги муҳим воқеалардан саналади. Зеро, бу спектаклларни Германия халқи қизиқувчанлик билан илиқ кутиб олганди. Режиссёрнинг меҳнати туфайли ҳозирги кунга қадар П.Чайковскийнинг «Найзали хотин», «Фауст», Ш.Гунонинг «Отелло», «Аида», «Трубадур», «Травиата», «Майсаранинг иши» каби опера асарлари саҳна юзини кўрган. Профессор таваллуди кунига бағишланган кеча очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазири Б.Қурбонов опера режиссёрига илиқ, самимий тилаклар билдирди.

Дарҳақиқат, режиссёрнинг иш фаолиятидан ҳаётга бўлган муҳаббат, жўшқинликни кўришимиз мумкин. У ўз диёрини севиб, ардоқлагувчи инсон десак адашмаймиз. Фирудин Сафаров 40 йиллик ижодий иш фаолиятида халқнинг меҳрини қозонган, ўз услубига эга режиссёр сифатида шуҳратга эришди.

**Юлдуз УСМОН**

# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

*22 — 28 декабрь*



**Қўй (21 март — 20 апрель)** — Истак ва имкониятларингиз сиз ўйлаганчалик эмас, аксинча бўлади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида ўтаётган йилни таҳлил қилиб, келгуси йилда бажарадиган ишларингиз ҳақида фикр юритинг.



**Бузоқ (21 апрель — 20 май)** — Кундалик шахсий ва оилавий ташвишлардан, хизматдаги муаммолардан бирмунча танаффус қилиб, соғлиғингиз ҳақида ўйлашингиз зарур. Беҳудага асабингизни бузманг.



**Эгизаклар (21 май — 21 июнь)** — Ушбу ҳафтада хизмат фаолиятингиз самарали кечади. Бунинг учун яхшигина мукофот оласиз. Ишда жиддий қарорлар қабул қиладиган вақт келди. Дам олишни унутманг.



**Қисқичбақа (22 июнь — 22 июль)** — Ҳафтада ҳаётнинг қадрига етиш кераклигини тушунасиз. Унутманг, шахсий ва оилавий муаммоларни ҳал қилиш сизнинг зиммангизда. Сабр-матонатли бўлишга ҳаракат қилинг.



**Арслон (23 июль — 23 август)** — Сешанба, чоршанба кунлари ҳеч қандай жиддий ишларни режалаштирманг. Оилангизда кутилмаган қувончли янгиликлар юз бериши мумкин. Яқинларингиз билан дийдорлашасиз.



**Паризод (24 август — 23 сентябрь)** — Ҳафта бошидан ўйлаган режаларингиз ёки хизмат сафарига боришингизга бирор нарса тўсқинлик қилса, бундай ишларни тўхтатиб, кейинга қолдирганингиз маъқул. Зарур ҳужжатлар билан ишлашда эҳтиёткор бўлинг.



**Тарозу (24 сентябрь — 23 октябрь)** — Бугуннинг уй-ташвишлари келажак ҳақида ўйлашга ундайди. Оилавий сарф-харажатлар муаммоси сизни бироз қийнайди. Лекин булар вақтинчалик, ҳаммаси ўтиб кетади. Сиз кутган кунлар яқин.



**Чаён (24 октябрь — 22 ноябрь)** — Хизмат жойингизда барча имкониятларингиздан меъёридан ортиқ фойдаланманг. Бу яхшиликка олиб келмайди. Шошма-шошарлик билан хулоса чиқармасликка ҳаракат қилинг.



**Ўқотар (23 ноябрь — 21 декабрь)** — Дам олиш куни фарзандларингиз даврасида бўлинг. Оилангиздаги баъзи келишмовчиликларни жиддий ҳал қилишингиз керак. Бунинг учун қатъиятли ва талабчан бўлишга уриниг.



**Тоғ эчкиси (22 декабрь — 20 январь)** — Янги ишлар бошлаш, ўқишўрганишнинг айни вақти етди. Келажагингиз ҳақида ўйлаб, жиддий қарорга келишингиз зарур. Вақтни бой берманг, умид билан яшашга интилинг.



**Қовға (22 январь — 20 февраль)** — Ушбу ҳафта муҳаббат бобида ҳушёр ва эҳтиёткор бўлинг. Ўзингизга ёр танлашда адашманг. Дўстларингиз маслаҳатига осонгина кўна қолманг. Ўзингиз чуқур мулоҳаза билан иш юритинг.



**Балиқ (20 февраль — 20 март)** — Бекорчи сарф-харажатларингиз туфайли оилангизда ортиқча гапсўзлар кўпаяди. Молиявий аҳволингиз бироз қийин кечади. Кераксиз харидларни тўхтатиб, ақл билан иш юритинг. Ҳаммаси жойига тушади.

*«Камолот»*

## ҚИЗИҚАРЛИ БАЙРАМ ТАДБИРИ

Ёшларни соғлом турмуш асосида бирлаштириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, маданий дам олишларини таъминлаш, фаол мактаб ўқувчиларини рағбатлантириш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели туман бўлими кенгаши ҳомийлигидаги «Камалак» болалар ташкилоти ва туман қўшимча таълим мажмуаси томонидан «Ёшлар бали» байрам тадбири ўтказилди. Тадбирда мактаб етакчилари ва мактаб сардорлар Кенгашлари аъзолари қатнашдилар. Унда турли қизиқарли ўйинлар, қуйқўшиқлар, викториналар, савол-жавоблар, рақслар кўрик-танловлари уюштирилди. Тадбирда фаол қатнашган ўқувчиларга эсдалик совғалари топширилди.

**(Ўз мухбиримиз)**


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ХОАТБ «Алп Жамол Банк» раҳбарияти, танлов асосида банкнинг Тошкент шаҳар филиалида ишлаш учун**

**КОТИБ-ИШ ЮРИТУВЧИ**

*лавозимига компьютерда ишлаш тажрибасига эга бўлган (Word, Excel); олий ёки ўрта махсус маълумотли, ўзбек ва рус тилларини мукаммал биладиган қизларни таклиф этади.*

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, М.К.Отатурк кўчаси 21-уй.**

**(«Зарафшон» ресторани қаршисида), Ходимлар билан ишлаш бўлими.**

**Телефонлар: 136-16-00, 136-79-22.**

**ҚУТЛАЙМИЗ!**



*Ҳурматли Муборак Юнусхўжаева! Табаррук 70 ёшингиз қутлуғ бўлсин. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва оилавий бахт-саодат тилаймиз. Доимо фарзандларингиз, набираларингиз ардоғида ва эъзозида бўлинг.*

**Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси жамоаси.**

**Пойтахт меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан Тошкент шаҳрида пенсия таъминоти бўйича олиб борилаётган ишларни тўлиқ таъминлаш ва назоратга олиш ҳамда бу соҳада жойларда учраётган муаммоларни олдини олиш мақсадида ишонч телефони (136-36-54, 136-10-81) ташкил этилди.**

**Бу соҳада учраётган муаммолар, уни такомиллаштириш йўллари хусусида фуқаролар ўз фикр-мулоҳазаларини ишонч телефони орқали душанбадан жумага қадар соат 9-00 дан 18-00 гача беришлари мумкин.**

## «02»: ҲОДИСАЛАР

**• «Тико» русумли автомобиль ҳайдовчиси Ш.Султон йўл четида турган кишининг ишораси билан тўхтади.**

Йўловчи манзилини айтгач, ҳайдовчи уни олиб йўлида давом этди. Машинага ўтиргач Ф.Илёснинг нияти ёмон бўлганлиги сабабли ҳайдовчини анча овора қилиб, уни кимсасиз бир жойга олиб борди. Қулай пайтдан фойдаланиб ҳайдовчининг пуллари ва автоуловини тортиб олмоқчи бўлиб, унинг бошига шиша идиш билан уради. Хайрият ҳайдовчига жиддий шикаст етмайди. У қочиб кетаётган жиноятчини ушлаб олиб, Шайхонтоҳур туман ИИБга олиб келиб топширди. Ҳозирда ушбу жиноятчи устидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

**• Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ўқитувчиси М.Намозова эрталаб ишхонасига кетаётган эди.**

Автобусдан тушиб бироз юрган эди ҳамки олдидан нотаниш бир кимса чиқиб унга рўпара бўлиб келаверди. Намозованинг олдига яқинлашиб қолган ҳалиги киши уни қўрқитиб бўйнидаги 122000 сўмлик тилла занжирини юлиб олиб қочиб кетди. Ўзини йўқотиб қўймаган жабрланувчи зудлик билан ички ишлар ходимларига хабар берди. Тез орада жиноятчи қўлга олинди ва унинг исми К.Маъмур эканлиги аниқланди. Жиноятчи қилмишидан пушаймон, лекин энди кеч.

**• Т.Анвар исмли киши «ВАЗ-21063» русумли автоуловини «Юнусобод» деҳқон бозори олдида қолдириб, ўзи юмуш билан бозорга кириб кетади.**

Эгаси йўқлигидан фойдаланган М.Хуррам ва Б.Раҳимлар жиноий тил бириктириб автоулов ойнасини синдириб, 80000 сўмлик «ОЭУ-Танк» автомагнитоласини ўғирлаб кетади. Лекин жиноятчилар унчалик узоққа қочиб кетишолмади. Йўлда уларни ички ишлар ходимлари тўхтатиб қаердан келаётганлиги билан қизиқдилар. Шундай қилиб мол эгасига қайтарилди, жиноятчилар эса тегишли жазоларини олишлари учун ИИББга келтирилди.

**• 76 ёшли нафақахўр В.Ратигаев бундан 5-6 йил олдин баҳоси 100000 сўмлик «Самсунг» компьютерини набирасига олиб берган эди.**

В.Ратигаевнинг уйда йўқлигидан фойдаланган, ҳеч қаерда ишламайдиган безори Р.Иванов калит танлаш йўли билан уйга кириб ушбу компьютерни ўғирлаб кетади. Жабрланувчи уйига келган пайтда, компьютер йўқ эди. У зудлик билан ИИББга хабар беради. Жиноятчи ўз вақтида қўлга олиниб компьютер эгасига қайтарилади.

**• Ярим тун, соат 3.30 лар атрофи Чилонзор тумани ички ишлар бўлимининг икки нафар ходими тунги қоровуллик хизмати юзасидан кўчада айланиб юрарди.**

Уларнинг кўзига шубҳали кўринган В.Самокин ушлаб текшириб кўрилганда унинг ёнидан 38307 грамм марихуана гиёвандлик моддаси топилди. Жиноятчи зудлик билан ИИБга олиб келинди. Ҳозирда ушбу иш юзасидан тергов ишлари олиб бориляпти.

**Тошкент шаҳар ИИББ матбуот маркази материаллари асосида.**
**Сарвар СОБИРОВ тайёрлади.**

## ЁДГОРЛИК

**(Ҳазил ўрнида)**

**Раҳматлик Мулла Тўйчи ҳофизни ҳаммамиз танийсизлар. У табаррук зотнинг Абулқосим деган, менга ўхшаш қизиқчи, аскиячи, новчадан келган ўғиллари бор, уни ҳам яхши биласизлар. Ҳурматли ҳофизнинг шогирди-ҳамкасабаси, халқимизнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлган бастакор—ҳофиз Юнус Ражабий домлани ҳам яхши танишингиз аниқ.**

Устоз ҳофиз мулла акам вафотларидан бир неча ой ўтгандан сўнг Республика радиоси ҳовлисида Абулқосим билан гаплашиб тургандик, ҳурматли Юнус ака ёнимизга келиб, узун ўриндиққа ўтирдилар.

— Абулқосим, — дедилар Юнус Ражабий, менга ишора қилиб, — Миршоҳид ҳам ўзимизга ўхшаган санъаткор, орамизда ҳеч қандай сирли гап бўлмайди. Менинг пирим, — сенинг отанг, илойим жойлари жаннатда бўлсин, ҳали қадрлари кўп ўтади, кўп қўмсаймиз. Ҳа, айтгандек, Абулқосим, отангнинг бир йўл-йўл беқасам тўнлари бўлгувчийди, ўшани менга ёдгорлик қилиб берсанг, қозиққа илиб қўйиб, нуроний савлатларини эслаб юрсам, дегандим.

— Жоним билан берардиму, — деди Абулқосим қизиқчиликка йўйиб, — ўша тўнларини жанозада масжиддан келган домланинг елкаларига илган эдик.

— Билмаган эканман, буни. Унда бир сирма сидирға, уринганроқ тўнлари ҳам бор эди, ўшани...

— Буни ҳам билмай қолибсиз, — деди Абулқосим сал кулимсираб, — маҳалла имомига кийдирилган.

— Ие, шунақа дегин... Ҳа у кишининг садаф қадалган ҳассалари бўлгувчи эди, уйда тургандир...

— Буни ҳам билмабсиз, — деди Абулқосим қизиқчиликка олиб, — балким, кўргандирсиз, ўша сиз айтган ҳассани сўфи бува ҳаммага кўз-кўз қилиб, тутиб юрибдилар.

— Қизиқчилигингни қўй, лоақал кўзойнакларини бергин.

— Э уста, падари бузрукворимиз ҳаммамизга хат-пат ёзиб туриш учун кўзойнакларини ўзлари тақиб кетганлар.

— Тушунарли, — дедилар уста ҳам қизиқчиликка олиб, — унда қалам, дафтарларини ҳам олиб кетган эканлар-да...

Азизлар! Мана эшитдингиз, шунақанги қизиқ гаплар санъаткорлар ўртасида тез-тез бўлиб туради.

Бу Абулқосим қизиқчининг қизиқчилигидан бир шингил, холос!

**Устоз қизиқчи Миршоҳид Мироқиловнинг хотираларини қоғозга туширувчи Олим ҚЎЧҚОРБЕКОВ.**

*Элатлар, удумлар, одатлар*

## ГЎЗАЛЛИК СУНЪИЙЛИКДА ЭМАС

**Маълумки, турли халқлар ўзига хос равишда гўзал бўлишга интиладилар. Чунончи, қадимги Перу қизлари чиройли бўлиш учун оппоқ тишларини қорага бўятишган, бу ҳам етмаганидек жуда ёшлик чоғлариданоқ икки кўзлари ўртасига маржонни илга қадаб, тикиб қўйишган. Натижада уларда ғилайлик ривожланган. Ғилайлик эса бу элат учун гўзаллик мезони ҳисобланган.**

Қадимги мисрликлар эса гўзалликни бош чаноғининг чўзинчоқлигида кўра билишган ва бунга эришиш учун гўдаклик чоғиданоқ қизларнинг икки чаккасини қаттиқ жисм билан танғиб ўраб қўйишган. Туркистонда эса йигитларнинг кенг яғринлилари кўркам ҳисобланади. Шунинг учун ҳам уларни болаligидан елкаларига текис тахтачани боғлаб қўйишар экан.

Африканинг баъзи қабилаларида ҳали-ҳануз аёллар гўзал бўлиш учун бўйинбоғ тақиб юришади. Қизларни ҳам ёшлигидан ана шундай тақинчоқ билан безаб, йилдан-йилга унинг қаторини кўпайтириб боришади.

Айрим халқларда эса қулоқ солинчаги узун бўлиши ўзига хос чиройдан дарак беради. Шунинг учун аёллар оғир маъданлардан ясалган зиракларни тақиб, қулоқларини бир неча сантиметргача чўзишади.

Хитойликлар оёқлари кичик аёлларни афзал кўришади. Улар қизларини оёқни сиқиб турадиган шиппаклар кийишга мажбур қилишади. Мўғулистонда эса қизларни турмушга чиқаришдан икки-уч ой аввал қуёш нури тушмайдиган қоп-қоронғу хонага қамаб қўйиб, фақат овқат едириш билан овора бўлишади. Чунки уларда оппоқ, семиз аёллар гўзал ҳисобланади. Голливудда эса оёқлари узун, бўйи баланд, қотмадан келган, келишган, сариқ соч, мовий ранг кўзли аёллар қадрланади. Бизда эса Лайлию Ширинни, Кумуш ва Раънони эслатиб турадиган шаҳло кўзли, тим қора сочли, камон қошли, қизил юзли ва энг асосийси иболи, одобли қизлар гўзал ҳисобланади. Бироқ ҳозир кўча-кўйда лаблари сиёҳрангга, сочлари қизилга, тирноқлари яшил ёки яна аллақандай рангга бўялган қизларни учратиш мумкин. Афсуски, гўзаллик сунъийликда эмас...

**Наргиза ХЎЖАЕВА тайёрлади.**

*Бўш вақтингизда*

## БОШҚОТИРМА

**Рақам атрофига соат мили йўналишида белгиланган хонадан:** 1.« Хитой олмаси» номини олган мева. 3. Йирик баргли шифобахш гиёҳ. 5. Илдизидан эфир мойи олинадиган, таомга ҳам ишлатиладиган тропик ўтсимон ўсимлик. 7. Қўл билан ҳаракатга келтирилувчи, ўзгарувчан электр токи ҳосил қилувчи асбоб. 12. Кимёвий элементларнинг кислород билан бирикмаси. 13. Билим-маълумотга оид ҳужжат. 16. Таниқли ўзбек шашкачи аёли. 19. Металл синч. 22. Жамиятнинг турли соҳаларидаги тараққиёт мажмуи. 24. Физика фани соҳаси. 26. Ўқиш, ўрганиш жараёни. 28. Газ босимини ўлчаш асбоби.

**Энига:** 2. Тола олинадиган экин. 4. Манзарали экин. 6. Теннис иншооти. 23. Укадан катта. 25. Чорва маҳсули. 27. Табиий бўшлиқ.

**Бўйига:** 8. Олмош. 11. Барги озиқа дарахт. 14. Кўнгил, қалб. 15. Мусиқа асбоби. 20. Оила сардори. 21. Россия Федерациясидаги республика пойтахти.

**Ёйлар бўйича:** 9. Дўппи тури. 10. Ун ва шакар қўпиртирилган тухумга қориб пиширилган печенье. 17. Тор оралиқдаги ўткинчи шамол. 18. Математика бўлими.



## МУАММОНОМА:

Шакл марказидаги рақамларда буюк Соҳибқирон Амир Темур ёзиб қолдирган ибратли сўзлардан бири яширинган. Уни қуйидаги очқич сўзлардан топиб, билиб олинг.

1. Уй жониворлари ва ўсимликларнинг маҳаллий зотга мансуб тури — 17, 1, 11, 18, 1, 4, 3.
2. «Алпомиш» достони қаҳрамони — 2, 1, 4, 14, 3, 7.
3. Инсоннинг ҳис-туйғулари манбаи — 16, 12, 7, 15, 3, 9.
4. Она тили фанидан топшириқ — 13, 1, 5, 8.
5. Сутка қисми — 10, 6, 7.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**

**Газетанинг шу йил 12 декабрь сонида берилган бошқотирманинг жавоблари:**

**Энига:** 5. Кураш. 6. Гаров. 8. Код. 10. Дев. 11. Сенат. 12. Байт. 14. Панд. 16. Домино. 18. «Галдир». 20. Лорд. 22. Азиз. 24. Авлод. 26. Тил. 28. Фол. 29. «Насаф». 30. Олтин.

**Бўйига:** 1. Пуд. 2. Марс. 3. Бахт. 4. Шод. 5. Коса. 7. Верн. 9. «Анор». 12. Бадал. 13. Триод. 14. Пилла. 15. Дароз. 19. Сули. 21. «Ошин». 23. Илон. 24. Алаф. 25. Дала. 27. Лай. 28. Фил.

**Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида:** 17. Регистон.




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилди. 3559 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-107. Топширилди 12.00 1 3456